Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 16-iyun, seshanba, № 73 (3578)

ҚОНУН ВА ИЖРО

Пойтахтимизда "Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлашда Хотин-қизлар қўмиталарининг ўрни ва истиқболли ҳамкорлик" мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбатида ушбу қонун жамиятнинг барча жабҳаларига, ўзаро муносабатларнинг ижтимоий шаклларини мустаҳкамлашга жадал кириб келаётгани алоҳида эътироф этилди.

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК ЭЗГУЛИК ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг мутасаддилари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги хотин-қизлар қўмиталарининг раислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Тўраев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалаларига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлашди.

Хотин-қизлар қўмитаси йирик жамоат ташкилоти сифатида ўз фаолиятининг устувор йўналишларини ижтимоий шериклик муносабатлари асосида олиб бормоқда. Қўмита томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар, турли тадбир ва ижроға йўналтирилган дастурлар, ташаббуслар халқимиз ҳаётини янада обод бўлиши, аҳоли, айниқса, аёлларнинг оғирини енгил қилишга ҳисса қўшиши билан аҳамиятлидир.

Хусусан, қўмита ташаббуси ва ҳамкор ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида маҳаллаларда ташкил этилган "Бандлик", «Саломатлик", "Оилага кириш", "Жиноятчилик профилактикаси", "Таълим-тарбия» секторлари аҳоли, айниқса, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим ўрин тутмоқда.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик асосида фаолият юритилмоқда.

Самимий фикрлашув, савол-жавоб тарзида, интерфаол усулда ташкил этилган давра суҳбатида мазкур қонуннинг аҳамияти, унинг қўмита тизимида ҳамкорлик мезонларини белгилашдаги роли, шунингдек, қонун моҳиятини содда ва халқчил тилда тарғиб этишда эътибор қаратиладиган жиҳатлар белгилаб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 июн куни Оқсаройда Халқаро олимпия қўмитаси президенти Томас Бах ва Осиё миллий олимпия қўмиталари ассоциацияси ва Осиё олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ал-Сабоҳни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни қутлар экан, Ўзбекистон билан Халқаро олимпия қўмитаси ва Осиё олимпия кенгаши ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири сифатида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақил фикрлайдиган, кучли иродали, дунёқараши кенг авлод вояга етмоқда. Спорт таълим тизимининг узвий қисми сифатида ривожланмоқда. Ёшлар, хусусан, қизлар спортга кенг жалб этилмоқда.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк йилларидан олимпия ҳаракатини қўллаб-қувватлаб келади, унинг фаол аъзоси ҳисобланади. 1992 йилда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси тузилган ва 1993 йил сентябрда Халқаро олимпия қўмитасига аъзо бўлган. Мамлакатимиз ёзги ва қишки Олимпия, Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Халқаро олимпия қўмитаси президенти Томас Бах тинчлик-осойишталик, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт, таълим ва ёшлар масаласига эътибор спорт ривожида муҳим аҳамият касб этишини, ана шундай муҳит ва шароит туфайли Ўзбекистонда спорт жадал ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг ташкилий асослари такомиллаштирилгани, жисмоний-соғломлаштириш машғулотлари аҳоли ўртасида кенг оммалашгани, соҳани молиялаштириш, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш тизими юксалгани, моддий-техник база мустаҳкамлангани қайд этилди. Мамлакатимизда барча техник ва услубий воситалар билан таъминланган, профессионал мураббийларга эга 80 дан ортиқ спорт федерацияси фаолият юритмоқда.

Мамлакатимизда, жумладан, энг чекка ҳудудларда 51 мингдан ортиқ спорт иншооти барпо этилган. Дунёнинг энг яхши спорт ареналаридан қолишмайдиган спорт мажмуалари ва заллари, спортнинг кўплаб турлари бўйича марказ ва секциялар ишлаб турибди.

Ўзбекистонда таълим тизимига йўналтирилаётган йиллик давлат харажатлари дунёда энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади, яъни ушбу кўрсаткич давлат бюджетининг 35 фоизидан ошади. Бу ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган улкан эътиборнинг амалий тасдиғидир.

2002 йилда ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мамлакатимизда спортни кенг ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Президентимизнинг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мамлакатимиз спортчилари ушбу нуфузли мусобақаларга пухта ҳозирлик кўрмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Президентига спортни ва олимпия ҳаракатини ривожлантиришдаги буюк хизматлари учун Халқаро олимпия қўмитасининг медали, шунингдек, Ўзбекистонда ва Осиёда футболни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Осиё олимпия кенгашининг мукофоти топширилди.

ЎзА

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройининг ёзги саҳнасида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан ташкил этилган "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остидаги ёшлар фестивалининг якуний тадбирлари ўтказилди.

Оқил ҒУЛОМОВ (ЎзА) олган сурат

БУЛАР БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИ

Президентимиз раҳнамолигида илм олиш ва касб-ҳунар эгаллаш учун барча шароит яратилгани ҳар бир йигит-қизни катта орзулар сари илҳомлантирмоқда, мунтазам ўқиб-изланишга, янгиликлар яратишга, бир сўз билан айтганда, Ватан тараққиётига ҳисса қўшишга ундамоқда. Сарой ҳовлисида ташкил этилган "Ватан тараққиётига менинг ҳиссам" шиори остидаги ёш тадбиркор ва ҳунармандлар кўргазмасида бу яққол ифодасини топган.

Ўз бизнесини йўлга қўйган, оиласига, эл-юртга наф келтираётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ёшларга кенг имконият яратаётир.

— Корхонамизда чойшаблар, сочиқлар, махсус иш кийимлари, турли кийим-кечаклар ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаб, ички бозорда сотяпмиз, — дейди Қаршидаги "Textile Maker" хусусий корхонаси раҳбари Олимжон Абдураҳмонов. — Юртдошларимиз эгнида биз тайёрлаган либосларни кўрсам, ич-ичимдан фахрланиб кетаман. Корхонамизда ўндан ортиқ коллеж битирувчиси меҳнат қилмоқда. Ўз маҳсулотларимиз билан "Ташаббус" кўрик-танловининг шаҳар босқичида, кўплаб фестивалларда муваффақиятли иштирок этдик. Президентимиз биз, ёш тадбиркорларнинг самарали ишлашимиз учун яратиб бераётган кенг шароит ва имкониятлар туфайли шундай натижаларга эришмоқдамиз. Келгусида ишлаб чиқариш қувватини ошириш, маҳсулот савдоси географиясини кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳамаджонова, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.Турдиқулов ва бошқалар ёш авлодга миллий қадриятлар асосида жаҳон андозалари даражасида таълим-тарбия бериш, уларни жамиятимиздаги ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остидаги фестивал ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилаётир.

Бир ой давом этган фестивал доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудида ижтимоий-сиёсий, маънавият ва маърифат, соғлом турмуш тарзи ва спорт йўналишларида юздан ортиқ тарғибот тадбири ўтказилди.

— Фестивал давомида сиёсий-ҳуқуқий билимларимиз, маънавий савиямиз янада бойиди, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги информатика касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Элдор Қудратиллаев. — Мамлакатимизда инсон қадри ҳамма нарсадан устун эканини, жамики ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилаётгани, ёшлар бугуннинг ва эртанинг ишончи, таянчи, ҳал қилувчи кучи, дея юксак қадрланаётганини янада теран англадик. Бундай тадбирлар кўксимизни фахр-ифтихорга тўлдиради, бизни янада фаол бўлишга, барча соҳаларда эришилаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшишга руҳлантиради.

Фестивал санъаткорларнинг гала-концерти билан якунланди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

ДАВРА СУҲБАТИ

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ – ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар иштирокида мамлакатимизда болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш йўналишида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, бу борада эришилаётган ютуқ ва натижаларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Республика ва ҳудудлар миқёсида ташкил этилган мазкур давра суҳбатларида Ўзбекистонда мустақилликнинг илк кунлариданоқ бола ҳуқуқларини таъминлаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, сифатли таълим бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари даражасига кўтарилганлиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш ҳамда кадрлар тайёрлаш миллий тизимини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. 1992 йилда Ўзбекистон томонидан расман қабул қилинган илк халқаро ҳужжатлардан бири — Халқаро меҳнати ташкилотининг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияси ратификация қилинди. Болалар манфаатларига оид барча ҳужжатларда улар ҳуқуқларини таъминлаш масалалари халқаро стандартлар даражасида белиланганлиги аҳамиятлидир.

"Соғлом она — соғлом бола" миллий модели оналар ва келажак авлодни алоҳида ғамхўрлик билан қамраб олиш, уларнинг ҳар томонлама муҳофазасини кучайтириш имконини берди. Мазкур тамойилни ҳаётга татбиқ этиш доирасида Ўзбекистонда 2014-2018 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш Давлат дастури тасдиқланди. Натижада фертил ёшидаги хотин-қизлар, шунингдек, болалар ва ўсмирлар тиббий кўрик билан тўла қамраб олиниб, гўдакларнинг туғма нуқсонлар билан дунёга келишининг олди олиниши таъминланди.

Биргина 2014 йилда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг 6,5 миллион нафари касалликларни дастлабки босқичдаёқ аниқлаш ҳамда муваффақиятли даволаш имконини берувчи чуқур тиббий кўрикдан ўтказилди.

(Давоми 2-саҳифада).

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Ёзги таътилда ўқувчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, саломатлигини мустаҳкамлаши ва бўш вақтини самарали ўтказиши учун юртимизнинг сўлим гўшаларидаги дам олиш масканлари ҳамда мактабларда ташкил этилган кундузги оромгоҳларда барча шароит яратилган. Мамлакатимизда навқирон авлодни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун зарур шарт-шароит яратиш доимий эътиборда.

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

"Қўнғирот — Тошкент" йўналишидаги поездда келган қорақалпоғистонлик 510 нафар бола Тошкент Марказий темирйўл вокзалида кутиб олинди. Узоқ йўл босишган эса-да, юз-кўзида қувонч порлайди.

— Дўстлар даврасида йўлнинг олислиги ҳам сезилмади, — дейди Қўнғирот туманилик Ислом Мовленберганов. — Шеъру топишмоқлар айтишиб, ўйин-кулги билан пойтахтга қандай етиб келганимизни билмай қолдик.

— "Конструктор"га учинчи бор келишим, — дейди нукуслик Айнура Алмуханова. — Бу оромгоҳ менга жуда ёқади. Кўплаб дўстлар орттирганман. Ҳар йили қайтаётганда улар билан кейинги йил ҳам келамиз, дея аҳдлашамиз. Дийдор олдидан ҳаяжоним чексиз. Тезроқ кўришиб, сўлим табиат бағрида шодликка тўлиб юрадиган қувончли онлар суруридан сармастман.

(Давоми 2-саҳифада).

ХАБАР

ЗАМОНАВИЙ ДАВО УСУЛЛАРИ

Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжумани "Ўзбекистон травматологияси: ушбу йўналишда белгиланган устувор вазифалар ва бу борада эришилаётган натижалар" мавзуига бағишланди.

Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов, Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти раҳбари М.Азизов ва бошқалар юртимизда тиббиёт йўналишида амалга оширилган изчил ислоҳотлар натижасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг тубдан янги тизими яратилганлигини эътироф этишди.

Қайд этилганидек, Республика шошилинч тез тиббий ёрдам маркази филиалларининг барча вилоят ва туманларда фаолият юритиши натижасида фуқароларнинг малакали травматология хизматидан бирдек баҳраманд бўлиши учун кенг имконият яратилди. Айниқса, бу тизим энг мураккаб масалалардан бири — политравма (кўп сонли оғир жароҳатлар) муаммосини ҳал этиш имконини бериб, ўлим ва ногиронликни кескин камайтирди.

Юртимизда бир қатор давлат дастурлари доирасида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиши боис, травматология ва ортопедия йўналишида ҳам юқори технологияларга асосланган замонавий даволаш усуллари жадал суръатлар билан амалиётга татбиқ этилди. Мисол учун, 20 йил аввал суяк синишини жарроҳлик усулида даволаш 10-12 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда мазкур кўрсаткич ихтисослашган бўлимларда 50 фоиз, йирик марказларда эса 70 фоиздан ошди.

Шунингдек, ортопедик касалликлар — бўкса ва тизза бўғимларини эндопротезлаш (сунъий бўғим ўрнатиш), умуртқалараро диск чурраларини кам жароҳатли усуллар билан олиб ташлаш, умуртқа таналарини махсус кейджлар ўрнатиш йўли билан маҳкамлаш операциялари кундалик амалиётга айланди.

Анжуманда иштирокчиларга галдаги лойиҳалар хусусида ҳам батафсил маълумот берилди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
"Ishonch" мухбири

2015-yil 16-iyun, seshanba, № 73 (3578), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ — ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўзбекистонда икки ёшгача бўлган барча болаларни бепул эмлаш тизимининг йўлга қўйилиши мамлакатимизда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатларнинг яна бир ёрқин далилидир. Натижада дифтерия, қоқшол, полиомиелит каби қатор юқумли касалликларга бутунлай барҳам берилди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш масалаларига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик хорижий экспертлар томонидан ҳам эътироф этилиб, юксак баҳоланмоқда. Хусусан, бугун республикамиз ўғил-қизларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон "Save the children" халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингида ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади.

Ёш авлоднинг сифатли таълим олиши масаласига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Мамлакат бюджетининг 60 фоизига яқини ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётгани ва унинг тенг ярми айнан таълим тизимига йўналтирилаётганинг ўзи ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ узлуксиз таълимнинг ягона тизими жорий этилган. Бу тизимда 12 йиллик умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурий ва бепул эканлиги янада аҳамиятлидир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллий таълим моделининг ўзига хос алоҳида жиҳати шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқувдан кейинги 3 йил давомида ўқувчилар ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таълим олади. Ушбу билим масканларида улар турли фанларни ўрганиш билан бирга, меҳнат бозорида талаб катта бўлган 2-3 йўналишдаги мутахассисликлар бўйича касбий тайёргарликка ҳам эга бўладилар.

Бундан ташқари, мамлакатимизда мусиқа, спорт ва санъат мактаблари, "Баркамол авлод" марказлари, турли йўналишлардаги тўгаракларни ўз ичига олган қўшимча таълим тизими ҳам жорий этилган. Бу эса болаларнинг бўш вақтини мақсадли ва фойдали ташкил этишни таъминлайди.

Сирасини айтганда, мустақиллик йиллари Ўзбекистонда 9,5 минг мактаб, 1,5 минг лицей ва коллеж янгидан қурилиб, модернизация қилинди, уларнинг барчаси замонавий жиҳозлар, ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминланди.

2015 йилда 353 та умумтаълим мактабини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, 147 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини капитал таъмирдан чиқариш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадларга 400 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилгани Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантиришга кўрсатилаётган улкан эътибордан далолатдир. 2020 йилгача эса 500 та умумтаълим мактабини, шу жумладан 101 та янги мактабни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, 810 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежини капитал таъмирлаш кўзда тутилган.

Шу ўринда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва йирик халқаро бизнес-мактаблардан бири бўлмиш "ИНСЕАД" томонидан 2012 йилда инсон капиталининг ривожланиш даражаси бўйича ўтказилган тадқиқотларга натижасига кўра Ўзбекистон таълим тизими ривожланганлиги даражаси бўйича 5-ўринни эгаллаганлигини алоҳида қайд этиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77-моддасига биноан мамлакатимиздаги қонунчиликка мувофиқ ишга қабул қилиш ёши 16 ёш этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунига кўра барча болаларнинг 12 йиллик мажбурий таълим олишини кўзда тутувчи таълим тизими йўлга қўйилган ва бу меҳнат бозорида вояга етмаганлар пайдо бўлишига мутлақо йўл қўймаслик имконини беради.

Таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон 2008 йилда Халқаро меҳнат ташкилотининг болалар меҳнатини тақиқлаш ва унинг энг ёмон шаклларига йўл қўймаслик тўғрисидаги 182-, шунингдек, ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 138-Конвенцияларини ратификация қилган ва улар бугунги кунда муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. Хўжалик субъектлари ва жисмоний шахсларнинг балоғатга етмаганлар меҳнатидан фойдаланишига йўл қўймаслик, шунингдек, 18 ёшга тўлмаганларга нисбатан меҳнат қонунчилиги бузилишига йўл қўймаслик борасидаги масъулиятини янада ошириш мақсадида 2009 йилда "Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига вояга етмаганлар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш муносабати билан қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 241-моддасига мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки одоб-ахлоқига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай, ер ости ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланган. Шунингдек, 18 ёшдан кичик бўлган шахсларнинг белгиланган меъёрлардан юқори бўлган оғирликларни кўтаришига йўл қўйилмайди.

Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларини самарали амалга ошириш масаласи иш берувчи ва касаба уюшмалари ўртасидаги жамоавий музокараларнинг муҳим бандларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, касаба уюшмалари Федерацияси ва Савдо-саноат палатаси ўртасида 2014-2016 йиллар учун имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишувда томонларнинг ХМТ конвенцияларига оғишмай амал қилиши бўйича меъёрлар ҳам ўз аксини топган. Бу каби меъёрлар тармоқ ва ҳудудий келишувларга, жамоа шартномаларига ҳам киритилган.

Хусусан, деярли барча жамоа шартномаларига ишга қабул қилишда энг кичик ёшга амал қилиш ва болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларига йўл қўймаслик тўғрисидаги норматив қоидалар киритилган. Шунингдек, ҳуқуқларга амал қилишни кафолатловчи, меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси қонунчиликларида назарда тутилган, ёшларга, айниқса, 18 ёшдан кичик бўлганларга нисбатан махсус қоидалар ва қўшимча кафолатлар ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришда ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш каби меъёрлар акс эттирилган.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари, иш берувчилар учун миллий ва халқаро меҳнат стандартлари бўйича ўқувлар йўлга қўйилганлиги таъкидланди. Касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курсларига миллий ва халқаро меҳнат стандартлари, шунингдек, ХМТ Конвенциялари бўйича ўқувлар киритилганлиги қайд этилди.

Бу каби давра суҳбатлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати

Қарши шаҳрида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш йўналишида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, бу борада эришилаётган ютуқ ва натижаларга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, касаба уюшма фаоллари қатнашди.

Давра суҳбатида "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида сифатли таълимни таъминлаш", "Болаларнинг бўш вақтини сермазмун ташкил этишда жойлардаги маданият ва спорт муассасаларининг вазифалари" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Шунингдек, бирлашма кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Абдураим Тўраевнинг мавзуга оид тақдимотида намойиш этилган слайдлар йиғилганлар учун услубий қўлланма вазифасини ўтади. Ҳамкор ташкилотларнинг масъул ходимлари ҳам сўзга чиқишди.

Тадбир якунида иштирокчиларга ЎзКУФК томонидан тайёрланган Халқаро меҳнат ташкилотининг 138-сонли ва 182-сонли Конвенцияларига оид буклетлар тарқатилди.

Акмал АБДИЕВ,
"Ishonch" мухбири

***

Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ташкил этилган давра суҳбатида тегишли давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, касаба уюшма фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни бирлашма кенгаши раиси Ғ.Сафаров кириш сўзи билан очиб, касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган ишлар, жумладан, корхона-ташкилотларда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 138-, 182-Конвенциялари ижросига жиддий эътибор қаратилаётгани, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қўшимча имтиёзлар бериш ва уларнинг бажарилиши касаба уюшма органлари томонидан назоратга олинганини қайд этди.

Давра суҳбатида вилоятдаги идора ва ташкилотларнинг вакиллари мавзуга оид маърузалар билан иштирок этишди. Савол-жавоб тарзида ўтган тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олишди.

Тадбир сўнгида Халқаро меҳнат ташкилотининг юқорида қайд этилган Конвенциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш ҳамда бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Ҳамза РЎЗИЕВ,
ВКУТБ меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири

***

Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Тошкент давлат аграр университетида ташкил этилган давра суҳбати ҳам жонли тарзда ўтди.

Унда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси вакили Дилафрўз Ортиқова, вилоят прокуроринининг катта ёрдамчиси Лобар Зоитова, халқ таълими бошқармаси услубчиси Дилноза Сайфуллаева, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази поликлиникаси мудираси Дилбар Гаитова ва бошқалар сўзга чиқиб, болалар ҳуқуқини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтишди.

Мутасадди идоралар вакиллари тадбир иштирокчиларининг саволларига атрофлича жавоб қайтаришди.

Неъмат РАФИҚОВ,
"Ishonch" мухбири

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

ТАНЛОВ

БИРИНЧИ БОСҚИЧ ЯКУНЛАНДИ

ЎзФА Энергетика ва автоматика институтида "Энг фаол ёш олим" танлови юқори савияда ўтказилди.

Унда 35 ёшгача бўлган 15 нафар ёш олим танлов низомида кўрсатилган ҳужжатларни ҳайъат аъзоларига тақдим этишди. Уларнинг илмий ютуқлари, ишланмалари билан бирга жамоатчилик ишларидаги фаоллиги ҳам ҳисобга олинди.

Якуний хулосага кўра, институт ходими, касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Ғазиев энг юқори балл йиғди ва танловнинг Фанлар академияси тизимида ўтказиладиган кейинги босқичида қатнашиш имконини қўлга киритди.

О.ЭШНАЗАРОВ,
ЎзФА Энергетика ва автоматика институти директори ўринбосари

ЭНГ ИЛҒОРИ ТАНЛАНДИ

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Сирдарё минтақавий филиалида "Энг фаол ёш банк ходими" танловининг биринчи босқичи ўтказилди.

Унда 1-ўринни пластик карточкалар тизимини ривожлантириш бўлими 1-тоифали мутахассиси Озод Темиров қўлга киритди. Ғолиб ёш бўлишига қарамай соҳада малакасини ошириш борасида тинмай изланади. Замонавий ахборот технологияларини фаолиятга кенг татбиқ этади. О.Темиров республика миқёсида ташкил этилган илмий-амалий анжуманлар, "Камолот — келажак таянчи" қишки фаоллар мактаби, ЎзЛиДеП Сирдарё вилоят кенгашининг "Диплом билан бизнесга" ўқув-семинарларининг ҳам иштирокчиси.

Ғолиб ва совриндорлар банк касаба уюшма қўмитасининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
"Ishonch" мухбири

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Мен эса илк бор келаяпман, — дея суҳбатга қўшилади Қўнғирот туманилик Эркебулан Йўлдошев. — Бу ерда дам олган дўстларимдан оромгоҳ ҳаёти, турфа тўгараклар, янги дўстлар даврасидаги ҳаяжонли таассуротларини эшитиб, мен ҳам шу ерда ҳордиқ чиқараман деб кўнглимга тукканди. Ниятим амалга ошганидан хурсандчилигим чексиз.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилда Тошкент шаҳридаги корхона, ташкилотларнинг 24 та болалар соғломлаштириш оромгоҳида 26 минг 500 нафар бола дам олдирилади. Улардан 1700 нафарини қорақалпоғистонлик ўғил-қизлар ташкил этади. Шунингдек, 16 минг нафар бола пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган 36 та кундузги оромгоҳда мириқиб ҳордиқ чиқаради. Мавсум давомида жами 42 минг 500 нафардан зиёд бола дам олади.

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорликда ёзги таътил кунларида соғломлаштириш оромгоҳлари ва мактаблар қошидаги оромгоҳларда дам олаётган болалар учун маданий-маърифий кечалар, давра суҳбатлари, спорт тадбирларини ўтказади. Шунингдек, бирлашма ва "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгашининг 2015 йилдаги ҳамкорлик фаолияти бўйича қўшма тадбирларига биноан мавсум давомида оромгоҳларда "Камолот кунлари" маданий-маърифий тадбирлари уюштирилади.

— Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ва дам олдириш касаба уюшма фаолиятида муҳим аҳамият касб этади, — дейди "Ўзкабел" АЖ қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Рустам Турсунов. — Корхонамиз тасарруфидаги "Зилола" оромгоҳида болажонларимизнинг дам олиши мазмунли ўтиши учун барча шароит тахт қилиб қўйилган. Турли маданий-маърифий тадбирлар уюштирилади. Шоирёзувчилар, спортчилар, санъаткорлар билан учрашувлар ўтказилади. Ҳар хил тўгараклар фаолиятга шай турибди.

Болажонлар автобусларга чиқиб, Тошкент шаҳар корхона ва ташкилотлари тасарруфидаги "Транспортчи авлод", "Конструктор", "Согдиана-Сойлиқ", "Зилола", "Тонг" оромгоҳлари томон йўл олишди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

ҲИСОБОТ-САЙЛОВ

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК

Шу йил май ойида касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашларининг ҳисобот-сайловлар конференциялари ўтказилди. Унга пухта тайёргарлик жараёнида туман кенгаши раислари захираси яратилди.

Тасдиқланган жадвал асосида Тошкент вилоятининг 14 та туманида ўтган конференцияларда туман кенгаши ва тафтиш комиссияси раисларининг 2010-2015 йиллардаги фаолияти эшитилди ва қониқарли баҳоланди. 2 та туман кенгаши раиси шижоаткор ёшлардан сайланди.

Уларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши вакиллари, туман ҳокимлари, ҳоким ўринбосарлари қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Конференциялар ўз олдига касаба уюшмаси фаолиятининг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда барча касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни, меҳнат муҳофазасини янги иқтисодий муносабатларга мос равишда ташкил этишни мақсад қилиб қўйди.

Шунингдек, ҳисобот-сайловларида тармоқ касаба уюшмаси вилоят конференциясига делегатлар сайланди.

Раҳматилла РАЖАПОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

2015-yil 16-iyun, seshanba, № 73 (3578), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

“КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ” РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИГА

ЭЛ АРДОҒИДАГИ ИНСОН

Гўзаллик яратишга қодир қалбнинг ўзи гўзал. Бу фикр ватан равнақини эзгу мақсад деб билган қумқўрғонлик тадбиркор Жўра Менглибоев билан суҳбат чоғида хаёлимга келди. 45 йилдан буён турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган бу инсоннинг мулоҳазалари ҳар қандай кишини ҳаёт ҳақида чуқурроқ ўйлашга ундайди.

Ёшлигиданоқ тиришқоқ, илмга интилувчан қаҳрамонимиз 1961 йили Душанбе политехника институтига ўқишга кирди. Уни муҳандис-электрик мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тамомлади. Ишни эса Жарқўрғон туманидаги “Шеробод” насос станциясида электр монтёри вазифасидан бошлади. Қисқа вақтда билими, ишчанлиги ва ғайрати билан жамоа эътиборига тушди. Кўп ўтмай вилоят электр тармоқлари корхонасига диспетчер этиб тайинланди.

Ўз касбининг билимдони, тиниб-тинчимас Жўра ака бошқармада бош энергетик, бир неча туманларда электр тармоқлари корхонаси бошлиғи, вилоят электр тармоқлари корхонасида бошлиқ ўринбосари, бошлиқ вазифаларида ишлади. Қизириқ ва Қумқўрғон туманлари раҳбари, вилоят маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи лавозимларида фаолият юритиб, кўплаб хайрли ишлар бошида турди.

Жўра ака вилоят ва Қумқўрғон туманида кўплаб саноат, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотларини қуришда жонбозлик кўрсатди. Жумладан, Қумқўрғон тумани нефт маҳсулотлари унитар корхонаси, “Турон пахта” ОТХЖ, Қумқўрғон дон қабул қилиш корхонаси, бир нечта ғишт заводларини барпо этишда бош-қош бўлди. Бозор, консерва заводлари қурилиши, 4 минг гектарли боғ яратиш Жўра Менглибоевнинг раҳбарлигида амалга оширилган. Қумқўрғон тумани темир йўл вокзалини ҳомийлар ҳисобидан қайта қурди. 25 километрга Хўжаипок сув қувури, 23 километрли юқори босимли газ қувурини ишга туширди. 15 та умумтаълим мактаби, “Ўғригузар” янги электр подстанцияси қурилиши, марказий йўлларни кенгайтириш ишларида бошқош бўлди.

* * *

Тадбиркорлик тараққиётнинг асосий омилидир. Буни теран англаган Жўра Менглибоев Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 31 октябрдаги “Пахтачиликни такомиллаштириш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори асосида “Сурхон чигит” корпорациясини ташкил этди. Унинг негизида 1998 йил Марказий Осиёда ягона бўлган ғўза уруғини замонавий технология асосида туксизлантириш, турли хилдаги касаллик ва зараркунандаларга қарши капсуллашга ихтисослашган “Олтин чигит” Ўзбекистон — Греция қўшма корхонасини ташкил этишда ташаббускор бўлди. Бунда Ўзбекистон Республикаси билан Жаҳон банкининг ҳамкорлиги, қолаверса, хорижлик иштирокчи — Грециянинг “ЕМКАТ С.А.” компанияси муассислиги ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Корхона Греция, Германия, Дания ва Италия давлатларидан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, ишлаб чиқариш жараёнларининг асосий қисми компютер ва техника ёрдамида бажариладиган бўлди. Мана 16 йилдирки, қўшма корхона нафақат Сурхондарё вилояти, балки мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тараққиёти йўлида самарали хизмат қилиб келмоқда. Фермер ва деҳқон хўжаликларига юқори сифатли уруғлик чигит, буғдой ва бошқа донли экинлар уруғлари етказиб берилаётир. Бош директор ва Кенгаш раиси лавозимларида фаолият юритаётган Жўра Менглибоев эса “Олтин чигит”нинг салоҳиятини янаям юксалтириш борасида тинимсиз изланмоқда. Жумладан, тажрибали раҳбар корхона фаолиятини кенгайтириш баробарида иш ўринларини кўпайтириш, ҳодимларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, Сурхон воҳаси ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиш борасида ёшларга ибрат бўлаётир.

2006 йилнинг кузида қўшма корхонага жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган “ISO-9001: 2002” сифат сертификати берилди. 2007 йилдан уруғ лабораторияси барча турдаги экин уруғларини таҳлил қилиш ва сертификат бериш ҳуқуқига эга бўлди. Қўшма корхона 2000-2014 йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун юқори кондицияли, жаҳон стандартларига жавоб берадиган 30 минг тонна туксиз уруғлик чигит ва 60 минг тонна уруғлик донни саралаб, экишга тайёрлаб берди. “Олтин чигит”нинг иқтисодий кўрсаткичлари йилдан-йилга ўсиб, 2014 йил якунида соф фойда 110 миллион сўмдан ошиб кетди. Жаҳон банкидан олинган кредит маблағи аллақачон қайтарилган.

Корхонада меҳнат қилаётган 150 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасида 2014-2016 йиллар учун тузилган жамоа шартномасига асосан ижтимоий қўллаб-қувватланмоқда. Улар белгиланган жадвал асосида меҳнат таътилида бўлишади. Бу пайтда соғликларини тиклаш учун бир ойлик иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам кўрсатиб келинаяпти. Барча ишчиларга қулай иш шароити яратилган. Жумладан, улар махсус иш кийимлари, қўлқоп, пойабзал билан таъминланган. Хавфсизлик техникаси қоидаларига 20 соатлик махсус ўқув курсларида қўшма корхона ҳисобидан бепул ўқитилган. Зарарли шароитларда ишлаётганлар учун сут-қатиқ маҳсулотлари бериб келинмоқда.

* * *

Қаҳрамонимиз саховатпешаликда ҳам барчага намуна. Қатор жамғармалар, шифохоналар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ҚВП ва мактабларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқда. Термиз шаҳри ва Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбара-мажмуи, марказий кўча ва хиёбонларга экиш учун 12 500 туп манзарали дарахт кўчатлари етиштириб берди.

Жўра Менглибоев кейинги беш йилда алюминдан эшик ва дераза роми, полиэтилен қувур, мебел ишлаб чиқариш цехлари, ғишт заводи ишга тушириб, 140 нафардан ортиқ қишлоқ ёшларини иш билан таъминлади. 10 гектар ерда Туркиядан “пакана” навли олма кўчатларини олиб келиб, интенсив боғ яратди. Мана икки йилдирки, боғлардан сархил мевалар териб олиниб, халқимиз дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Мева-сабзавотларни сақлаш учун хориждан совуткичли омбор олиб келиб ўрнатган.

— Жўра Менглибоев Ватан ободлиги ва фаровонлиги йўлида тиниб-тинчимайдиган инсонлардан. Бугун унинг кўксини “Дўстлик” ордени, бир қанча эсдалик нишонлари безаб турибди. Эл-юрт ишончи боис, бир неча бор туман ва вилоят кенгашларининг депутати бўлди. Ўнлаб шогирдлари унинг изидан бориб, барча жабҳаларда фидойилик кўрсатиб меҳнат қилиб келмоқда, — дейди Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси А.Аҳмедов.

Ҳаммага қўлидан келганча яхшилик қилиб, кўпчилик дуосини олиб яшаётган Жўра ака сингари инсонлар ҳамиша элнинг меҳрига сазовор бўлади.

Рустам ДАВЛАТОВ,
“Ishonch” мухбири

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ўқув полигонида Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар негизида ташкил этилган касбий тайёргарлик ўқув йиғини тингловчиларига сертификатлар топшириш тантанаси бўлиб ўтди.

ОҚ ЙЎЛ, БИТИРУВЧИЛАР!

Академия бошлиғи, генерал-майор Ш.Икрамов тадбирни очар экан, таълим даргоҳида курсантларнинг чуқур билим олиб, мутахассислик сир-асрорини пухта эгаллаши учун барча шарт-шароит яратилганини қайд этди.

Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А.Мирзаев тингловчиларни табриклаб, уларга устоз-мураббийлардан олган сабоқлари асосида эл тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек масъулиятли ва шарафли вазифани юксак даражада адо этишларида муваффақият тилади.

— Икки ой давомида жисмоний ва касбий тайёргарлик бўйича билимимизни бойитдик, — дейди Сергели туман ИИБ ХООБ МТП профилактика инспектори, катта сержант Санжар Раҳимов. — Келгусида бу ерда олган назарий билимларимизни амалиётда қўллаймиз. Ватан олдидаги шарафли бурчимизни сидқидилдан бажарамиз. Ишонтириб айтаманки, элимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлида виждонан хизмат қилиб, ўзимизга билдирилган юксак ишончни, албатта, оқлаймиз.

Тингловчиларга сертификат топшириш маросими дилрабо куй-қўшиқларга уланиб кетди.

Ҳусниддин МУРОДУЛЛАЕВ,
ИИВ Академияси тингловчиси.
Жамшид ЭРГАШЕВ олган суратлар

ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ

ИШОНЧЛИ КАФОЛАТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони хусусий тадбиркорларни руҳлантириб юборди.

Ушбу ҳужжатда тадбиркорларнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги, жумладан, хориж сармояси иштирокидаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратиш кўзда тутилган.

Фармонга мувофиқ хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг тўртта асосий йўналиши бўйича жорий йилда амалга ошириладиган ўттиз учта аниқ чора-тадбирни кўзда тутувчи комплекс Дастур тасдиқланди.

Жумладан, 2015 йилнинг 1 июлидан режали текширувлар ўтказишнинг ягона тартиби ва даврийлиги жорий этилади. Мазкур тартибга кўра, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолияти бўйича барча текширувлар режали асосда тўрт йилда бир мартадан кўп бўлмаган, бошқа хўжалик субъектларини текшириш уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган ва фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарори билан амалга оширилади. Айни пайтда молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувларни амалга ошириш муддати 30 календар кунидан 10 кунгача қисқартирилмоқда.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Олий судига манфаатдор тузилмалар билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилгани ва ноқонуний аралашгани учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш топширилди.

Хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бўйича текширув ва тафтиш ўтказиш тартибини, давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузганлик, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ва (ёки) уларнинг банк ҳисобварақлари бўйича амалиётларни ноқонуний тўхтатиб қўйганлик, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларидаги мавжуд пул маблағлари тўғрисида ахборотни асоссиз равишда талаб қилганлик, хўжалик юритувчи субъектларни хайрия ишлари ва пул маблағлари ажратиш билан боғлиқ бошқа тадбирларга мажбурий жалб қилганлик ва бошқа ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органларининг тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликни кўп маротаба бузган мансабдор шахсларига нисбатан жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Ш.БАРАТОВ,
Янгиобод туман статистика бўлими етакчи мутахассиси

ФАОЛИЯТ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ оналар ва болалар соғлиғига катта эътибор қаратиб келинмоқда.

СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

ФҲДЁ бўлимимиз туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, тиббиёт бирлашмаси, қолаверса, бошқа манфаатдор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этаётган “Балоғат ёшига етмасдан турмуш қуриш ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олишда жамоатчиликнинг ўрни” мавзусидаги тарғибот тадбирлари шу мақсадга хизмат қилаётир.

Биргина жорий йилнинг 1-чораги давомида тумандаги маҳаллалар, коллеж ва умумтаълим мактабларида “Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари”, “Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олишда жамоатчиликнинг ўрни” каби долзарб мавзуларда 30 дан ортиқ семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Боланинг соғлом туғилиши, биринчи навбатда, онанинг саломатлигига боғлиқ. Шунга кўра, оналар ва болалар соғлиғини сақлаш йўлида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, никоҳланувчи шахсларни қатъий 5 турдаги касаллик, яъни психик, наркологик, таносил, сил, ОИВ/ОИТС хасталиклари бўйича тиббий кўрикдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Президентимизнинг “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишларни янги поғонага кўтарди.

Хулоса қилиб айтганда, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, зарарли одатларнинг олдини олиш, оилада тиббий маданиятни ошириш, қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта никоҳ қуришнинг аянчли оқибатларини аҳоли ўртасида тушунтириш соғлом оилаларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Лазиз БОТИРОВ,
Ромитан туман ФҲДЁ бўлими мудири

Реклама ва эълонлар

Мулкчилик шаклидан қати назар, барча қурилиш ташкилотлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объектлар номи:
ЛОТ – 1
ЛОТ-1.1. “Фарғона вилояти Риштон туманида бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини маъмурий биноси қурилиши”.
Бошланғич нархи: **877 207 917 сўм ҚҚС билан; 731 006 597 сўм ҚҚС сиз.**
ЛОТ-1.2. “Фарғона вилояти Фурқат туманида бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини маъмурий биноси қурилиши”.
Бошланғич нархи: **868 954 097 сўм ҚҚС билан; 724 128 414 сўм ҚҚС сиз.**
Муддати: **01.10.2015 йил.**
Манзил: **Фарғона шаҳар, Темирйўл кўчаси 37, тел.(0 595) 401-52-01.401-52-05.**
Қурилиш-монтаж ишлари: **Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**
Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн.сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.
Танлов савдосида фақат Давлат реестрга киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.
Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% микдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар кўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади. Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний 36-уй, телефон/факс: (373)244-68-90, 998-98-276-25-48.
Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин (куни ва вақти хабарнома орқали маълум қилинади), *Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй манзилда ўтказилади.*
Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдолари хабарномаси.

«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2015 йил 16 июл куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар хўжалик судининг 23.06.2014 йилдаги 10-1403/6918-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган Тошкент шаҳар «TEXNOTRASTPLYUS» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 12.06.2015 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 12.06.2015 йилдаги 74-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги бошланғич баҳоси 3 383 030 000 (Уч миллиард уч юз саксон уч миллион ўттиз минг) сўм бўлган Тошкент шаҳар Олмазор тумани, Қорақамиш 1/2 даҳаси, Олтинсой кўчаси манзилида жойлашган умумий ер майдони 6 919,0 кв.метр, қурилиш майдони 5 255,0 кв.метрдан иборат бўлган савдо мажмуаси бино ва иншоотлари биргаликда мужассам ҳолда қўйилмоқда.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) 2015 йил 15 июл кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоси ғолибига 20 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» МСҲJ, ҳ/р: 20208000700234536001, АТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 96410.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиққиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» МСҲJ.

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй. Лицензия: RR 0170, тел: 0 (371) 233-21-18.

Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz e-mail: rc.group@inbox.ru, Хизматлар лицензияланган.

Реклама ва эълонлар

“FARG'ONA MULK SERVIS” МЧЖда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига “Асака” ДАТБ Фарғона вилоят филиалининг 11.06.2015 йил кунги 12/2134-сонли алоқа хатга асосан, Фарғона шаҳар, А.Навоий кўчаси, 1-уйда сақланаётган “Нексия” русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси-40 897ААА рақамли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Техник ҳолати-носоз. Бошланғич баҳоси — 5 147 125 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 20 июл куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Талабгорлардан талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 17 июл, соат 17:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Закалат пули келишувига асосан талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “FARG'ONA MULK SERVIS” МЧЖнинг «Халқ банки» Фарғона вилоят амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: МФО: 00497, СТИР: 303054753, ҳ/р: 2020 8000 1003 9634 2001.

Манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй, 37-хона.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: +99895-402-54-75. Гувоҳнома № 1894.

Хизматлар лицензияланган.

Внимaнию организаций и предприятий!

ТАО «НАВОИЙҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ» ХАТИРЧИНСКИЙ ФИЛИАЛ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ.

По объекту: «Строительство административного здание «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ Хатирчинского района, Навоийской области».

Стартовая стоимость заказчика составляет без НДС 787 213 608 сум, с НДС 944 656 330 сум.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 6 месяцев.

Заказчик: ТАО «Навоийқишлоқхўжаликкимё» Хатирчинский филиал.

Расположенный Хатирчинский район г.Янгирабод ул.Фарход-3.

Финансирование проекта будет осуществляться за счет собственных средств ТАО «Навоийқишлоқхўжаликкимё».

(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)

С 1 июля 2014 года к конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел. 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия – «А», тел: 225-49-96, 225-47-98.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навоий, ул.Гвасалия 2 «А» не менее чем через 30 дней после опубликования объявления (дату и время сообщим дополнительно).

Услуги лицензированы.

2015-yil 16-iyun, seshanba, № 73 (3578), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

● Касбим — фахрим

ҚИЗ ҲУСНИ ИЛМУ ҲУНАРДА

Юртимизда яратилаётган имкониятлар туфайли ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Улар орасида "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси, қибрайлик Шаҳло Акмурзаева ҳам бор.

Болалигидан моҳир чевар бўлишни орзу қилган қиз ҳунар сирларини пухта эгаллаб, 2011 йилда "Настарин" тикув цехини ташкил этди. Ҳозирда цехда тайёрланаётган маҳсулотлар анча харидоргир.

— Аёллар, болалар кийим-кечаклари, пардаларда миллийликка таянган ҳолда замонавий услубни ҳам уйғунлаштиришга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди Шаҳло. — Шунингдек, сўзана, ёстиқ жилдларимизга талаб катта. Харидорлар ишончини оқлаш учун астойдил изланаяпмиз. Бир неча марта республика миқёсидаги турли кўргазмаларда иштирок этиб, фахрий ёрлиқлар билан тақдирландик. "Ташаббус — 2015" кўрик-танловининг туман босқичида 3-ўринни эгалладик. Биз, ёшларга яратилаётган имконият ва имтиёзларнинг адоғи йўқ. Тенгдошларимга қарата бу эътибор ва ғамхўрликдан унумли фойдаланиб, эзгу мақсадларимиз сари дадил интилайлик, дегим келади.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

МУЛОҲАЗА

Мақоламизга бежиз Асқад Мухторнинг бу сўзларини сарлавҳа қилиб танламадик. Дарҳақиқат, бир муддат давом этган "китобдан узоқлашиш"дан сўнг китобпарастлик даврига етиб келгандекмиз. Ҳозирги китобпарастликнинг аввалгиларидан фарқи шундаки, китоб чоп этиш жараёни бизнеснинг муайян турига айланиб бормоқда. Китобга чин дилдан ошно, унга қалбан эҳтиёж сезувчи ва ҳар дам ундан нажот, далда топгувчи китобхонлар ушбу баёндагилардан мустасно эканлигини инобатга оласиз, ҳурматли муштарий.

КИТОБ — БОЙЛИК

сотиб олингани эмас, ўқилгани

Болалигимданоқ китобга бўлган меҳр, иштиёқ таъмини туйишимда ота-онамнинг ҳиссаси катта бўлган. Онам мактаб кутубхоначиси бўлганлиги сабаблими вақтим кўпинча ўша ерда ўтарди. Қайси пайтда бормай, онам ҳам қандайдир китоб ўқиб ўтирар, мен ҳам доимо улар танлаб берган асарларни зўр иштиёқ билан ўқиб тугатардим. Ёз ойларида эса мактаб китоб фондига "районо"дан бериладиган уюм-уюм китобларни олишга борардик. Дарсликларга қўшимча равишда бадиий адабиётлар бериладиган бўлса, мен учун ҳақиқий байрам: китоб олиш навбатимиз етиб келишини куннинг тиғида кутиш ҳам, автобус бекатигача китобларни ташиб бориш машаққати ҳам билинмас эди. Шу кутишлар асносида қанча-қанча асарларни ўқиб тугатардим. Ўша пайтларда кутубхоначи бўлиш орзуим бор эди: чунки фақат шу касб эгасигина ҳамиша китоблар ичида яшайди, деб ҳисоблардим. Аммо бу орзуимга мендан аввал опам етишди: ҳозирда у онамнинг ишини давом эттиряпти.

Унинг айтишича, бугун мактаб кутубхоналари бутунлай янгича қиёфа касб этмоқда. Ахборот-кутубхона ёки ахборот-ресурс марказлари номи билан янги ҳаёт бошлаган зиё масканлари замонавий техник жиҳозлар, турли адабиётлар билан давлат ва ҳомийлар маблағи ҳисобидан таъминланади.

Бир қарашда, ҳаммаси бинойидек. Аммо соҳанинг ўзига хос муаммоларини айрим жойларда кўзимиз илғамай қолмаяптимикан? Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "...кутубхоналарни... Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОЎМТВнинг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ихтиёрига бепул ўтказишни ҳамда улар оқилона қайта ташкил этилиши" керак эди. Аммо аксарият жойларда олдинги "колхоз" кутубхоналари фонди қаерлардадир чанг босиб ётибди. Ваҳоланки, мазкур кутубхоналар ҳам қайсидир миқдорда бўлсин ўлмас бадиий адабиётларга эга эди. Китобнинг азиз нарса эканлигини инобатга олсак, уни яратиш учун қилинган қанчадан-қанча меҳнатнинг юзига оёқ қўймаяпмизмикан, деб ўйланиб қоламан.

Давримизнинг шарофати ўлароқ ахборот-кутубхона (ресурс) марказлари илғор ахборот технологияларини татбиқ этган ҳолда етарли даражада техника билан таъминланиб, компютерлаштирилди. Аммо ҳозирда чекка ҳудудлардаги бундай зиё масканларига ташриф буюрсак, техника воситаларидан унумли фойдаланилмаётганига, электрон китоб алмашинувининг йўлга қўйилмаганига гувоҳ бўламиз. Бунга зиё масканларининг фондида мавжуд адабиётларни аҳоли ўртасида етарлича тарғиб этилмаётгани сабабми ёхуд китобхонлар қатламининг сийраклашиб бораётгани? Айбни китобхонликнинг сустлашаётганига қўйсак, китоб савдоси билан шуғулланувчи дўконларнинг фаолияти фикримизни йўққа чиқаради.

— Бир неча йилдан бери туманимиз марказида китоб савдоси билан шуғулланиб келмоқдаман, — дейди чустлик тадбиркор Ҳамидулло Умаров. — Миллий ёки жаҳон адабиёти дурдоналари асосан ўрта ёшли кишиларни қизиқтирса, олий ўқув юртига кириш иштиёқидагилар тест ечиш учун керакли китобларни сотиб олишади. Шунингдек, турли тиллардан таржима қилинган психологик китобларнинг ҳам, болажонларни мактабга тайёрлашга мўлжалланган нашрларнинг ҳам ўзига яраша харидорлари бор.

Ҳамидулло билдирган фикрнинг ҳақлигини илғаш унчалик қийин бўлмади: чунки биргина Чуст шаҳрининг ўзида канцтовар хизматлари кўрсатиш билан бир пайтда китоб расталарига эга ўнга яқин дўконнинг қизғин савдосига гувоҳ бўлдик. Вилоят марказида эса ҳолат бундан-да қувонарли: Сардоба бозорининг узундан-узун бир қаноти фақатгина китобларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланмоқда. Китоблар ўз харидорларини узоқ кутиб қолмаяпти, унинг савдоси билан шуғулланаётганлар ҳам кам бўлишмаяпти, назаримизда. Бироқ биз ташриф буюрган ахборот-кутубхона (ресурс) марказларида бу ҳолатга кўп-да гувоҳ бўла олмадик. Чунки мазкур масканларда хизмат кўрсатиш сифати, тақдим этилаётган маҳсулотнинг замон ва онг талабига жавоб бера олиши бизни бироз иккилантирди. Ахир айтишади-ку, бадиий адабиётнинг эскиси, илмий асарнинг янгиси кўпроқ ёруғлик таратади, деб. Мазкур зиё масканларига кенг аҳоли қатламини жалб этиш учун уларнинг захирасини янги замон ўқувчиси талабларига мувофиқ бойитиб бориш энг тўғри йўл бўлади. Зеро, биз юқорида номини тилга олиб ўтган қарорнинг мақсади ҳам "Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда кутубхона тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган принципиал янги ахборот марказларини барпо этиш, шунингдек, аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш"дир.

* * *

Мақоламиз бошида "китобпарастлик" деган истилоҳни қўллаганимиз эсингизда турмоқда. Бугун китоб билан боғлиқ яна бир муаммо пайдо бўлмоқда: сармоя топишнинг қулай услуби. Усти ниҳоятда гўзал дид ва маблағни аямаган ҳолда безатилган, аммо онг тарозусида ўлчанганда мисқолчалик қадри йўқ китоблар расталарни тўлдирмоқда. Яна қандайдир тақдирланишга сазовор бўлиш учун икки-учта китоб чиқарганлик "талаб"и пайдо бўлмоқда. Исроф бўлаётган қоғоз, бўёқ ва меҳнат кишини ўйлантиради, холос. Яна ҳам ачинарлиси, ўзимиз билмаган ҳолда "оммавий маданият" тўлқинига куч бериб қўймаяпмизми? Ҳозирда кўпчилик қизиқиб ўқиётган хорижлик руҳшуносларнинг китобларида "ғарбона худбинлик" кўзга ташланиб туришини, бу тавсиялар киши онгига сингишиб, эгоизмни шакллантиришини ўсмирларимиз тугул, ўрта ёшли кишиларимиз ҳам ажратиб олиши қийин.

* * *

Магистратура босқичини тугаллаб, илмий ишни давом эттириш йўлида иккиланиб турган чоғларим... Дам олиш кунида эрталабдан бир бозор айланмоқчи бўлдим. Метрода чуқур хурматга муносиб, самимийлигига бир зум хиёнат қилмайдиган устозимиз — педагогика фанлари доктори Улуғбек Долимовни учратиб қолдим: кутубхонага кетаётган экан. Докторликка эришгач ҳам, ўқишдан, китоблар оламида яшашдан ўзини тортмаган нуроний устозимнинг бу ҳаракати мени қаттиқ таъсирлантирди. "Мен нима қилмоқчиман ўзи?" деган савол қалбимга ёқимли оғриқ солди. Яна ўзимни сувдаги баликдек ҳис этадиган китоблар оламига қайтдим. Мен китоблардан одамлардан ўрганганимдан кўпроқ нарсани олдим. Шунинг учунми атрофимда ҳамиша китобни севган, унга суянган одамлар қуршовини ҳис қилиб яшайман. Туққан онам каби иккинчи онам (қайнонам деган сўзни ишлатгим келмайди) ҳам китобни мендан кам севмайди. Тошкентга ҳар гал борганимда, янги китоб олиб келишимни кутадилар. Ҳатто ҳомиладорлик чоғимда ҳам қадрдон Миллий кутубхонанинг нодир қўлёзмалар бўлимида қўлёзма китоблар устида ишлашимга иккиланмай шароит яратиб бердилар. Шунинг учунми киприк устида авайлайдиган набиралари "Қаро кўзим" оҳангларида ухлаб, "Беқасам тўнлар кийиб..."га овунади.

* * *

Яхшилик ҳақида ўйлаш, у ҳақда ўқиш фақат хосиятли кунларни туҳфа этишига ишониб яшайман. Бу китобнинг менга берган энг катта туҳфасидир. Бир фарзанд мисолидаги ушбу ҳақиқатимни миллатимизнинг ҳар бир авлодида кўришни хоҳлардим. Зеро, китоб ўқишдан тўхтаган кунимиз жаҳолат ботқоғига чўка бошлаймиз.

Дилдора РАҲМОНОВА,
"Ishonch" мухбири

САЁҲАТ

Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилоятидаги масъул ташкилотчиси ташаббуси билан тиббиёт муассасаларида узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган касаба уюшма аъзоларининг қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрига саёҳати ташкил қилинмоқда.

ҚАДИМ БУХОРО ТААССУРОТИ

Икки маротаба уюштирилган саёҳатда 50 нафардан, жами 100 нафар тиббиёт ходими иштирок этди. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ташкил қилинган ушбу саёҳат барчада чуқур таассурот қолдирди.

Юрган дарё, дейди халқимиз. Ҳамкасбларимиз юртимиз қанчалар буюк ўтмишга эга эканлиги, истиқлол иншоотлари ўз салобати ва маҳобати билан дунёни ҳайратга солаётганлигини, улар авлодларимизга беназир мерос бўлиб қолажаклигидан фахр-ифтихор туюшди.

— Бундай саёҳатлар йил давомида мунтазам уюштирилади, — дейди масъул ташкилотчи Рашид Йўлдошев. — Зеро, юртимизда бетакрор гўшалар ниҳоятда кўп. Муҳими, ҳар бир зиёрат кишига улкан руҳий, маънавий куч бағишлаб, янги марраларни эгаллашга рағбат уйғотади.

Руслан ҚУРБОНОВ,
Хива туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

КАСАБА УЮШМА СИҲАТГОҲЛАРИДА

«БЎСТОН»ДАГИ ШУКУҲЛИ ТОНГЛАР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар давом эттирилмоқда.



Хусусан, "Касаба уюшмалари — фахрийларга" акцияси доирасида Тошкент вилоятидаги "Бўстон" санаторийсида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган "Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари" бўлими ташкил этилиб, отахону онахонлар қабул қилинди. Кардиолог шифокор С.Сайипов уларнинг соғлигини мунтазам назорат қилиб, суҳбатлар олиб бормоқда. Фахрийларнинг бўш вақтини ҳам мазмунли ўтказиш учун турли маданий тадбирлар ташкил этиляпти. Таниқли хонандалар иштирокидаги учрашув ва концерт дастурлари таассуротларга бой бўлди. Нуронийлар ўртасида "Миллий қадриятлар ва урф-одатлар билимдони" танлови, шахмат-шашка бўйича мусобақа уюштирилди. "Сизнинг ҳаёт йўлингиз биз учун ибрат" мавзусида санаторий ишчи-ходимлари билан давра суҳбати ўтказилаётир. Шунингдек, "Занги ота", "Заркент ота" зиёратгоҳларига ва "Минор" масжидига саёҳатлар ташкил қилинмоқда.

Ш.КАРИМОВА,
"Бўстон санаторийси" маънавият-маърифат бўлими бошлиғи

«ЧОРТОҚ»ДА ЎТГАН КУНЛАР

"Чортоқ" сиҳатгоҳи ҳақида кўп эшитгандим. Тўрт томони тоғлар билан ўралган дилтортар масканнинг мўътадил ҳавоси, шифобахш сувидан баҳраманд бўлишни орзу қилардим. Истагимнинг амалга ошишига касаба уюшма ташкилоти ёрдам берди.

Санаторийга қадам босишим билан юқоридаги таърифлар бежиз эмаслигига амин бўлдим. Айниқса, тиббиёт ходимларининг ширин муомаласи мени лол қолдирди. Хиёбон ва йўлак четларига экилган чиройли гулларни кўриб баҳри дилинг очилади.

Бу ерга келиб биринчи қилган ишим маданият саройи фаолияти билан танишиш бўлди. 600 ўринга мўлжалланган маскан замон талаби даражасида жиҳозлангани билан диққатимни тортди. Айниқса, дам олувчиларнинг маънавиятини оширишга хизмат қилаётган кутубхона мудираси Ойшахон Жўрабоева мени илиқ кутиб олди. Бир неча йиллардан бери қидириб юрган китобларимни топиб ўқидим.

Ҳар куни кечки овқатдан сўнг "Шифокор" дастаси аъзолари томонидан концерт ва турли кўнгилочар ўйинлар намойиш этилади, шунингдек, шоир-ёзувчилар, санъаткор ва бошқа атоқли кишилар билан учрашувлар ташкил этилади. Даволанувчилар муолажалардан бўш вақтида Фарғона водийси бўйлаб саёҳатга олиб борилади.

Шифокорлар Шамсиддин Абдуназаров, Шарифжон Усмонов, Дилшод Бултуров, Мамасоли Кўчаров, Содиқжон Исабоев, Нилуфар Қирғизованинг муолажаси, қолаверса, меҳрибонлиги туфайли ҳам жисман, ҳам руҳан тетиклашдим.

Инсон доимо қадр топган масканига талпинади. Даволаниш жараёнида "Чортоқ" ҳақида эшитганларим ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Айни кунда санаторийда ўтган кунлар таассуроти билан яшаяпман.

Эргаш БОЗОРОВ,
Шеробод туманидаги 45-умумтаълим мактабининг олий тоифали ўқитувчиси

КИТОБНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ливерпул университети олимлари кўнгиллилар иштирокида тажриба ўтказиб, бадиий асарлар мия фаолиятимизга нечоғли таъсир кўрсатишини кузатдилар. Шунга асосан қуйидаги хулосаларни билдиришди:

Шеърият — одамни эртанги кунга умид билан қарашга ўргатади, ўз кучига ишончни оширади. Депрессия ҳолатларида кўпроқ шеър ўқиш лозим. Инсултдан кейинги тикланиш учун муолажа сифатида тавсия этилади;

Фалсафий асарлар — дунёни билишга ўргатади, инсоннинг жамиятдаги ўрни ҳақида чуқур ўйлаб кўришга чорлайди;

Детектив ва саргузашт асарлар — диққатни тўплаш, мантиққа асосланиш, сабрли бўлишга ўргатади ва кузатув ҳисларини ривожлантиради;

Илмий-фантастик асарлар — ноодатий ечимларни топишда ёрдам беради;

Эртаклар ва халқ оғзаки ижоди — муомала маданияти, кузатувчанликка ўргатади. Болаларда фаолликни меъёрлаштириш ва ўсмирлардаги оғир кечинмаларни енгишда ижобий самара беради;

Ҳажвий асарлар — хавотир ҳиссидан халос этади. Муросали бўлишга ўргатади. Ўтиш ёшидаги ўсмирларга, айниқса, фойдали. Шунингдек, жарроҳлик амалиётидан кейинги тикланиш даврида ҳажвий асарлар кайфиятни кўтаришда асқотади.

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, инсон саломатлигини тиклашда энди замонавий тиббиёт нафақат доридармон, балки китобдан ҳам фойдаланишни тавсия этмоқда. Сиз ҳам ўз тажрибангизда буни қўллаб кўришингиз мумкин.

Фазлиддин РЎЗМАТОВ,
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали талабаси

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — 21:55
Topshirildi — 23:30
2 3 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г – 615.
18921 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133